

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Совет

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қоңунчиллик ва ҳуқук-тартибот учун!

№ 56 (2320)

1991 ЙИЛ 16 МАЙ

ПАЯШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИН

УЛАРНИНГ КАСБИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

Бирорни бирор қўлидан этаклаб, бўлажак касбини танлашга сира мажбур этмайди. Турткы бўлиши мумкин, Кўпчилик кўнглаб чопган ишнинг этагини ўз ихтиёри билан тутади. Шунинг учун бўлса керак, жиноятчининг ўткир тиги-ю, ўқотар қуролига кўксини қалқон қилиш талаб этиладиган милиционерлик касбini ҳамма ҳам танлайвермайди. Энгига форма кийишга журъати етганларга эса уйқусиз тунлар ва кутилмаган

олишувлар ҳамроҳ. Эл тинчни ўйлаб, улар ҳар қандай қийинчилкларни — касб машақатлари-ю, турмуш ўқубатларини енгидишишади.

Чилонзор тумани ИИБ ЖКБда ўз касбига меҳр қўйган йигитлар ишлашади. Уларнинг бурчи — жиноятчиларни заарсизлантириш. Ўнлаб қуролли каллаесар гурухлари тутатилгани бу йигитлар ҳисобига ёзилган. Ҳар бир чақириқ ҳаётни хавф остида қолдирадиган

таҳликали таъқиблар, тўқ нашувлар билан бой.

СҮРАТЛАРДА: Чилонзор тумани ИИБ ЖКБ опер-

вакиллари милиция катта лейтенантлари Евгений Муштаев (чацда) ва Арам Арутунянилар навбатдагиope-

рацииага тўла қуролланган ҳолда отланниши; таъқиб пайтида уларга участка вакили милиция лейтенантлари Улмас Ганиев (уртада) кўшилди; «назарга тушган» кимса кўлга олинди.

Хабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



Боёвут туманинда ёнғинлар сони йил сайн ошиб боромкода. Текширища уларнинг 80 фоизи хавфсизлик қоидаларининг кўпол равишда бузилиши натижасидан келиб чиқсанлиги маълум бўлди. Паҳта тозалаш заводи ва паҳта қабул қилиш пунктларида рўй берган олтига ёнғинга мавжуд техника воситаларидан хавфсизлик қоидаларига хилоф равишда фойдаланиш сабаб бўлган.

Бу ўринда ёнғинга қарши курашиб қисми ходимларини ишламаяпти, дейиш нотўғри. Аммо очик-ойдин тан олишимиз керакки, кўпчилик ҳолларда давлат ёнғинга қарши кураш назорати ходимлари кўрсаткичлар учун тиришишмояд. Яъни юқорига бериладиган ҳисобот учунгина керакли қоғозлар тўлдирилади. Ёнғинг олдини олиш ҳақидаги берган таклифлар бажариладими-йўқми, бу кўпчиликнинг назаридан четда

ЎТ ЎЧИРИШДА ҚАЧОН

ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

қолиб кетади. Баъзан эса амалга ошириш мушкул бўлган тадбирларни ҳам ўйламай-нетмай йил сайн ўзгартиришсиз хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарларни тикиштираверамиш.

Туманинмизда 130 дан ошиқ савдо дўкони, 43 та мактаб, 2 та паҳта тозалаш заводи, 2 та паҳта қабул қилиш пунктси ва бошқа мусассасалар бор. Уларнинг кўпчилиги мослаштирилган биноларда жойлашган. Менимча, уларни текширган пайтимизда маҳаллий шаронтдан келиб чиқсан ҳолда тадбирлар белгилашимиз лозим.

Туманинмиздаги 9 та ўт ўчириш машинасидан 2 таси туман ўт ўчириш бўлимида, 7 таси эса хўжалик ва корхоналарда. Лекин фақат 4 тасига ҳайдовчи биринтирилган. Бу ҳол бизни кўнгилли ўт ўчириш дружи-

наларига таянишнимизни тақо-зо этади. Хўш, кўнгилли ўт дружиналари яна нималарда ёрдам бериши мумкин?

Тўғрисини айтсак, агарда уларни таъминлай олсак, жуда кўп ёрдами тегарди. Ҳозирги даврда уларнинг сонига эмас, сифатига зътибор бериб, хизматига яраша моддий ва маънавий рағбатлантиришни амалга оширишимиз керак. Уларни кўп тармоқли, 63 минг аҳолиси бор туманинмизда 21 кишилик ўт ўчириш бўлими ходимлари билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қийин.

Асосий масалалардан яна бири, бўлимни зарур техникалар билан жиҳозлашдир. Бундан ташқари қоғозбозликни мумкин қадар камайтириш лозим. Чунки ходимларнинг анча вақти турли

қоғозларни тўлдириш билан ўтади. Бу ҳам етмагандек бир ойда ўрта ҳисобда «юқоридан» 15-20 та кўрсатма келади. Уларнинг мазмуни бир хил: «Фалон корхонада ёнғин содир бўлган, ўшанга зътибор беринг, режа тузинг, қилинган ишлар бўйича фалон вақтга ҳисобот беринг...»

Юқоридан келган кўрсатма бажарилши шарт. Шунинг учун ой бошида ҳар бир ходим ўзи режалаштирган ишини бир четга суреб қўйиб, ҳалигини бажаришга киришади. Оқибатда эса унда мустақиллик йўқола бориб, юқоридан келадиган кўрсатма асосида ишлашга, кўнишка ҳосил бўлади.

Шуларни ҳисобга олиб, кўрсатма ўрнига ўша жойдан ходим келиб, жойларда ишнинг кетишини ўз кўзи би-

лан кўриши, зарурати бўлса, керакли ёрдамини, маслаҳатини бериши яхшироқ бўларди, деб ўлайман.

Давлат ёнғинга қарши кураш назорати ходимлари ишлар бўлими ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши шарт. Шу жиҳатдан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган. Аммо улар қоғозларда тикилганча қолиб кетмокда. Унинг туб сабабларидан бири юқоридан келган кўрсатмаларга асосланиб тузилган тадбирларнинг ҳаётий эмаслигидадир.

Киссадан ҳисса шуки, биз қоғозбозликдан амалий ишга ўтсангина, ўзгариши ва муваффақиятга эришамиз.

А. ЭЛИБОЕВ,
Боёвут тумани ИИБ давлат ёнғинга қарши кураш назорати мислекниясининг катта инспектори.

Ички ишлар бўлиминизга кираверишда деворда мураббий ва хизмат аълочиларидан бир гуруҳи суратлари осигрилек туради. Улар орасида ҳаммамиз учун бирдекардоқли ҳамкасбимиз — ички хизмат майори Нўймонжон ака Зоҳидов ҳам бор.

Бу сатрларни ўқиб, ҳа, энди, ёши ёки ички ишларда кўп хизмат қилгани учун сурати осиландирда, деб ўйлашинги мумкин. Тўғри, бу жиҳатлар ҳам маълум маънона д хисобга олинган. Лекин асосийси бунда эмас. У кишининг ҳамкасларига, қолаверса, эл-юрга бўлган муносабатини қадрлаб, суратини фахрли кишилар қаторига муносиб билдик.

Нўймонжон ака Фарғонадаги муаллимлар тайёлраш давлат олий билимгоҳининг жисмоний тарбия қулиётида ўқиб юрган кезларида милицияда хизмат қилиш истаги туғилди. Лекин дастлабки пайтларда бу истакка унча аҳамият бермади. Ҳатто бу орада ўқишни тугаллаб, тумандаги Жомий номли ўрта мактабда сабоқ берга бошлади. Вақт ўтган сари унинг кўксидаги аввалги истак орзуга, кейин мақсадга айланди. Шу боис 1976 йили Свердловскдаги ёнғиндан сақлаш техника билим юргига ўқишига кирди.

— Гулдай касбинг бор, қолаверса ўқитувчининг обрўси

йт ўқитувчиникидан ортиқ бўлса ортиқи, кам эмас, — дегувчилар топилди. Ҳатто баъзилар очик-ойдин:

— Ухлаб-ухлаб пул топадиган касбни танлабсан, яхши, — деб мазах қилган пайтлар ҳам бўлди.

Ўшандаги унинг қанчалик ғазабланганини ёки эзилганини кўрганингизда эди!

Газабланганига сабаб — оғзига кучи етмаганларнинг ҳазаралаш ҳәкорати бўлса,

МИЛИЦИОНЕР ҮЗ ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

МЕХРИ ДАРЁ

эзилганига сабаб ёнғиндан сақлаш ҳодимлари эл-юрги шончнини оқлай олмаётганини бўлди. Начора, чидади. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани кўйдириш эсли-хуши одамга ярашмайди. Лекин у келгусидаги хизмат фаолиятини олдиндан чамалаб, ўз режаларини туза бошлади. Ниҳоят, 1979 йилда билим юртни имтиёзли диплом билан тутади.

Вақт — олий ҳакам деб бежиз айтишмаган экан. Ана шу олий ҳакам Нўймонжон аканнинг «ухлаб-ухлаб пул топадиган» эмас, тикиб-тингимасдан, керак бўлса, тұнларни бедор ўтказиш эвазига ризқ топадиган касбни танлаганини, уни

намуна кўрсатади. «Ёнғинда кўрсатган жасорати учун» мебали, «Энг яхши ёнғиндан сақлаш ҳодими» нишони, ички ишларда бенуқсон ишлагани учун берилган медаллар билан тақдирлангани фикримизга яқъол далилдир.

Бошқа жойларда қанақа — аниқ бир нарса дея олмайман, лекин бизнинг тумандаги ҳалқнинг ёнғиниң қарши курашувчилар хизматига бўлган қараашлари бир мунча ўзгарган. Чунки Нўймонжон ака буғунги кунда ёлғиз эмас, ҳатто унинг шогирдлари бошқа туман ва шаҳарларда одамлар раҳматига сазовор бўлиб хизмат қилишаётir. Ич-

ки хизмат капитани З. Раҳимов, катта лейтенантлар Б. Абдуллаев, А. Искандаров, лейтенант З. Абдуллаевлар у кишининг тарбиясини олганлар жумласига киради.

Бу таъриф-тавсифлар Нўймонжон аканнинг танлаган касбига бўлган садоцатини билдиради. Лекин муҳими бошқа ёқда.

Туманинда латифанамо гаплар юради. Гўёки бирор жойга ўт кетса, Нўймонжон

шо болалар жабр юраётган дек туюлаверади. Тасаввуримда жабрдийдаларни ўз жигарбандларимга ушшатаман.

Шу ўринда муаллиф жуда олиб қочишига уста экан, деган фикр хаёлингиздан ўтган бўлиши мумкин. Лекин бу ёзганларим олиб қочиши эмас, айни ҳақиқат. У киши марказий шифохонамизда донорлар ҳисобида туради. Ҳамкасбимизнинг қони кўйилгач, кўплаб беморлар ўзларини қайта туғилгандек хис этишган.

Еки бошқа мисол. Чернобиль воқеалари пайтida нурланган кишиларга ўзининг суяқ илигидан бериш ва фалож оқибатларини тугатишга бевосита ўша ерга бориб ҳисса кўшиш истагани билдириб ариза ёзган биринчидан ҳадиши. Ана шу масала бўйича у киши номига вазирилгимиз раҳбариятидан келган миннатдорчиллик мактуби ҳам сақланяти.

— Мен учун медаллару ташакурномалар биринчидан даражали эмас, — дейди агар дилдан сухбатлашиб қолсангиз. — Муҳими кўчлиликнинг ишончи.

Ҳа, бизнинг Нўймонжон ака ана шунақа одам.

Муҳаммадали ФИЕСОВ,
Риштон тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАН СОМОНХОНАГАЧА

Машина ўғрилари ичидан Рашид Ахмедовнинг «обрўси» катта эди. Чунки у шу йил 22 январь куни Тошкент шаҳрининг Пахта кўчасидан «ВАЗ-2103» белгили Ф 01-89 ТН рақами, 5 март куни «ВАЗ-2106» белгили К 89-52 ТН рақами, 27 март куни эса Мироқилов кўчасидан «ВАЗ-2102» белгили У 69-77 ТН рақами автомобилларни «гум» қилиб,

ФАХРИЙЛАР ҲАҚИДА ҲИҚОЯЛАР

Ўшандаги милиция старшина Ахмад Этамбердиев вилюят фирмаси қўмитасидаги постида навбатчиллик қиласади. Вақт алламаҳол бўлиб қолгандан тащқаридан гайриодий бақирикни эшитди. Деразадан қараса, беш киши иккى кишини аёвзиз тепкилаётган экан. Одати бўйича деворда осигурик турган соатга қаради — тунни бир ярим. Кейин шошилиб телефонда дастасини олди.

— Алло, шаҳар ички ишлар бўлими? Карл Маркс кўчасига — обком ёнига тез этиб келинглар, муштлашув



УНГА ҚЎРҚУВ БЕГОНА ЭДИ

ССЖ ички ишлар вазирилги томонидан номи ёзилган соат билан тақдирланди.

Бу ички ишлар фахрий Ахмад ака Этамбердиев хизмат фаолиятидан бир лавҳа, холос. У бу соҳада 30 йил ишлади, шу даврининг кўпгина қисми ана шундай таҳликаларни курашлар, юзма-коз олишувлар билан ўтди, десак лофт бўлмайди. У қайси участкада ишламасин, энг аввало оддий фуқаролар ҳақиқуқларини ҳимоя қилишини мақсад деб билди. Бурчига содик қолди. Ҳатто ажал билан рўбарў келганда ҳам иккимади. Ахмад ака кўкисидаги, «Ички ишларда бенуқсон хизмат учун» берилиган учала даражали медаллар, «Милиция аълочини» нишони хизмат фаолиятига қўйилган баҳодан хотира бўлиб қолган.

У киши айни пайтда Фарғона туманинда «Победа» жамоа хўжалигига кексалик гаштини сураяти. Гоҳ-гоҳда умрининг азиз онлари ўтган қадрдон ишхонасига келиб туради.

Абдуҳаким АХМЕДОВ,
Николай КОРОЛЕВ.



Ғайратжон Кабиров Фарғона вилояти ИИБ Данб ўйл-патрул хизмати ротасининг 3-зводидаги хизмат қилиб келмоқда. Виляти ҳудудидаги деярли барча йўллар унга беш кўлдай таниш. Худди шунингдек, турли транспорт воситаларини бошқариб, у ёқдан бу ёқса ўтётган ҳайдовчиларнинг ҳам кўпини билди. Ҳизматчилик — улар билан бир неча мартараб мулокотда бўлган. Энг аксаияти билан сұхбатлашсангиз, Ғайратжон ҳақида илни гапларни айтишади.

— Иўл тасодифларга тўла, — дейди унинг ўзи. — Қолаверса, ҳар ким транспортга ҳар кил кайфият билан ўтиради. Агар аризаган хатоси учун ҳам шоғёрини қонунини рўкач қилиб жазолайверсангиз, табиати тирриқ бўлади. Бу эса фалокатни келтириб чиқарувчи биринчি омилдир. Шу боис уларни жазолашдан кўра тартибга чиқаришга кўпроқ ҳаракат қиласа.

Сураткаш Фуломжон УБАИДУЛАЕВ.

50 СўМГА БЕШ ЙИЛ

Сапарвой Шуканов Тошкент вилояти наркологик диспансеридаги тинчгина ишлаб юрувиди, Ҳалол йўл билан топган маоши билан тўрт нафар фарзандини бекам-кўст тарбиялаб келётганди. Шайтон йўлдан оздиридими, кейинги пайтда мўмай даромад излаб қолди. Шундай кунларнинг бирида унинг қабулига бемор Шамшиева кириб келди. Ёши анчага бориб қолган бу аёл шифохонада ётиб даволаниши лозим эди. Шу-

ни била туриб Шуканов Шамшиевадан 50 сўм талаб қилиди. Шамшиева ўзининг ёлгиз аёл эканлигини, иккисидаги жиҳатдан кам тъминланганини айтиб ёлворсада, оқ ҳалатини энгизилиб олган бу кимса рози бўлмади.

Онанин хомуш юргани сабабини аниқлаган ҳамкасларни ички ишлар бўлганимга кўнгироқ қилишиб. С. Шуканов Шамшиевадан 50 сўм пора олаётганида қўлга тушди.

Яқинда Чирчиқ шаҳар халқ суди саломатлик посбони бўлмиш С. Шуканов ишини кўриб чиқиб, куйидагича ҳукм чиқарди:

«Шуканов Сапарбой ЎзССЖ ЖМнинг 152-моддаси 2-кисми билан айбор деб топилсин ва беш йил мuddатга озодликдан маҳрум этилсин. Жазо кучайтирилган режимни ахлоқ тузатиш муассасаларida ўтатирилсин. Мол-мурларидан фойдасига мусодара қилинсин».

Маҳкам ҲАҚИМОВ, «Постда»нинг жамоатчи мухбири.

ШИЙПОНДАГИ ЖАСАД

— Шундан кейин қидирик бирмунча юришиб кетди, — дейди туман ИИБ ЖКБ опервакили, милиция катта лейтенант Носиржон Кимсанов. — Кўп ўтмай муддатдан 18-йида истиқомат қилишиб, поайзалинга Шарқийобод қўйасидаги 93-йида истиқомат қилишиб, 1965 йида тутадиган Собир

Ҳайдаровни ҳибсга олдики. Теров жараёнда С. Ҳайдаров 2 январь куни марҳум билан шу шийпонга келиб, кейин муштлашиштани ва охир-оқибатда унинг жонига қасд қилганини гапириб, айбинга икror қўлди.

Ваққосхон ЯҲЕЕВ, Фарғона вилояти.

